E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

ШИНА ВА ТИТАН МИНИПЛАСТИНА УРНАТИЛГАН БЕМОРЛАРНИНГ СУЛАК МИКРОФЛОРАСИНИ ДИНАМИКАДА УРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

Косимова Ирода Кодировна

Андижон давлат тиббиёт институти микробиология , вирусология

ва иммунология кафедраси доценти

Мавзунинг долзарблиги. Маьлумки, оғиз бўшлиғи микро-организмларнинг кўп турлари, гурухларининг яшаши ва кўпайиши учун қулай шароит мавжуд бўлган экологик биотоп хисобланади. Айрим олимларнинг таьрифича, оғиз бўшлиги – бу бир вақтда хам термостат, хам озиқ мухитдир [1].Харорат, намлик, турли тўқима тузилмаларининг оғиз бўшлиғига овқат, сув, хаво билан тушган бактерияларнинг адгезияси ва кўпайишига шароит яратади.

Соғлом одамлар оғиз бўшлиги микрофлорасининг асосий қисмини стрептококклар авлоди, айникса сўлак стрептококки ташкил этади.Граммусбат стафилококклар ичида эса St.epidermidis.Ўрганилган микроорганизмлар ичида энг суст колонизацион резистентликка грамманфий таёкчалар эга бўлади, Кандида уруғига мансуб замбуруғлар тил ва милкнинг шиллиққаватларларидагина колонизация қила олиши аникланган.[3].

Оғиз бўшлиги микроэкологик тизимнинг ажралмас қисми бўлган нормал микрофлора резистентлигини таьминловчи асосий омил хисобланади.Шу туфайли охирги йилларда стоматологлар, юз – жағ жаррохлари оғиз бўшлиғи турли қисмларининг колонизацион резистентлигини ўрганишга катта ахамият беришмоқда.[6].

Илмий тадқиқот мақсади: пастки жаг суяги синган, шина-фиксатор ва титан минипластина ўрнатилган беморларнинг оғиз бўшлиғи микрофлорасини сифатий ва миқдорий ўзгаришини динамикада ўрганиш.

Текшириш материали ва усуллар. Илмий тадкикот учун пастки жағ суяги синган 41 та бемор танлаб олинди, улар 2 гурухга бўлинди: 1-чи гурух (n=20)беморларга жағлараро шина-фиксатор – Тигерштедт шиналари тақилди, 2 - чи гурух (n=21)беморлар синиқ бўлаклари титан минипластина билан остеосинтез қилинди. Андижон вилояти шошилинч тез ёрдам илмий марказида ва Андижон шахарProf Med Service хусусий клиникасида жаррохлик амалиёти ўтказилди ва улар юз-жағ жаррохи кузатувида 1-15 кун бўлди.Бу беморларнинг оғиз бўшлиғи микрофлорасини сифатий ва миқдорий микробиологик текшириш учун 1 мл сўлак стерил насадкали сўрғич дозатор орқали олдиндан стерил 5 мл физиологик эритма қуйилган пробиркага олинди ва керакли суюлтирмалар таёрланди.Сўлак суюлтирмаларидан 0,1 мл олиниб тегишли дифференциал-диагностик озиқмухитларга экилди.Элективозиқ мухитлар сифатида микробиологияда кенг қўлланилаётган одатий озиқ мухитлар қўлланилди:

қонли агар – гемолитик кокклар ва таёқчалар учун;

тухум сариғи тузли агар (ЖСА) – патоген стафилококклар учун;

Эндо мухит – энтеробактериялардан энтерококклар ва эшерихийлар учун

“Сабуро” мухит Candida турига мансуб замбургларни ўстириш учун қўлланилди.

Бу озиқ мухитлар микроорганизмларни нафақат ўстиради, балки айримларининг патогенлик омилларини хам аниклаб беради. Мисол учун, микрорганизмларни эритроцитларни парчалаш хоссасини ўрганиш учун 5% қонли агар; лейцитиназа

фаоллигини аниқлаш учун тухум сариғи қўшилган агар (тухум сариғи таркибидаги лейцитинни парчалаш)ларга экиш орқали ўрганилди. Бемор сўлаги тегишли озиқ мухитларга экилгандан сўнг экмалар t-37^{0}да 18-24 соатга термостатга қўйилди. Сабуро мухити эса ачитқисимон замбуруғларни ундириш учун хона хароратида 2-3 кун сақланди. Микроорганизмларнинг экиш муддати, яъни инкубацияси ўтгач озиқ мухит юзасида униб чиқган колониялар сони ва қўзгатувчиларнинг идентификацияси қуйидаги курсаткичлар:

-микрорганизмларниморфологикватинкториалбелгилари;

- культуралхоссалари;

- биохимик хоссалари бўйича ўрганилди

Асосан оғиз микрофлораси 2 хил микробиологик усуллар оркали аниқланади: микроскопик ва бактериологик усуллар.Оғиз бўшлиғининг асосий вакиллари булган кокларни тафовут этиш учун (кокклар ўз навбатида морфологияси, жойланиши ва тинкториал хоссалари буйича турларга булиниб кетади) ундирилган колониялардан суртма тайёрлаб Грам усулида бўялиб уларнинг морфологик ва тинкториал белгилари ўрганилди.

Микроскопик усул микроорганизмларни идентификациялашда тўлиқ маьлумот бера олмаслигини хисобга олган холда, бактериологик, яьни культурал усулдан фойдаланилди.Беморлар сўлаги тегишли озик мухитларга экилгандан сўнг зич озиқ мухитларда ўсиб чиқган колониялар макроскопик ўрганилгандан сўнг танланган колониялардан соф хосила ажратилиб биокимёвий ва патогенлик омиллари аникланди.

Оғиз бўшлиғи микрофлорасини миқдорий текшириш натижаларини бахолашда қуйидаги формуладан фойдаланилди:

К = А х 200 х Р

К – Колония хосил қилувчи бирликда ифодаланган (КХКБ) микдор

А – охирги суюлтирмада ўсиб чиқган колониялар сони

200 – қовузлок билан экиш оркали хисобланган коэффициент

Ўртача арифметик миқдорини, уларни хатоларини, олинган материални хаққонийлигини хисоблаш учун материалга статистик ишлов берилди.

Текширув натижалари. Оғиз бўшлиги микроорганизмларнинг жуда кўп турлари ва гурухлари яшаб купайиши учун кулай бўлган экологик биотоп хисобланади. Текшириш натижалари акс эттирилган жадвалдан кўриниб турибдики , жағлараро шина фиксатор ўрнатилган беморларнинг 1 -чи гурухида 1 мл сўлак таркибида микрорганизмлар миқдори меьёрга нисбатан ортганлиги кузатилди.Беморларда текширишнинг 1- куни сапрофит стафилококклар, стрептококклар миқдори 1,5 – 2 баробар; 7 - куни 2 – 3 баробар; 14 -куни хам 2 – 3 баробар ортгани кузатилди, яьни7,05±0,2; 10,5±0,5 КХКБ/мл (меьёрда 3,15±0,3; 3,30±0,1 КХКБ/мл), энтерококклар эса 4,30±0,2дан 7,75±0,3гача ортгани кузатилди.Шуни таькидлаш керакки,меьёрда учрамайдиган ичак таёқчалар жаррохлик амалиётидан кейинги 7 – 14 кунлари 1,75±0,1; 2,66±0,2 КХКБ/мл да аниқланди. Кандида турига мансуббўлган замбуруғлар эса 2-3 марта ортгани кузатилди.Беморларнинг 10% да меьёрда учрамайдиган тилларанг стафилококклар, гемолитик стрептококклар, бациллалар аниқланди. Юкоридаги маьлумотларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, шина фиксатор ўрнатилган 1 -гурух беморларнинг оғиз бўшлиги микробиоценози бузилди, бу эсаўз навбатида махаллий турли яллигланиш касалликлари вужудга келишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш керакки,шина ўрнатилгандан кейин беморларда 7-14 кунлари микробларнинг кўрсаткичлардаражаси пропорционал равишда кўтарилганлиги аниқланди.Микроорганизмларнинг дисбаланси оғиз шиллик қаватлар яллигланишининг кучайишига, махаллий резистентликнинг ўзгаришига, бегона жисм булган жағлараро қўйилган шина фиксаторнинг мустахкам ўрнаши ва охир оқибат, даво самарасига салбий таьсир килиши мумкин.

Илмий текшириш мақсадига мувофиқ пастки жағ суягига титан пластина ўрнатилган 2 -гурух беморларнинг оғиз бўшлиги микробиологик текширилди. Мазкур гурух беморларда хам оғиз микробиоценози динамикада 1-7-14 кунлари сўлак текширилди. Бу гурух беморларнинг микробиологик кўрсаткичлари 1 гурух, яьни жағлараро шина фиксатор ўрнатилган беморларга нисбатан ижобий натижаларга эга бўлди. Жумладан, стафилококклар, энтерококклар, Кандида турига мансуб бўлган замбуруғларнинг миқдори меьёрий кўрсаткичлар миқдоридан ортмади. Лекин, стрептококклар миқдори нормадан 1 -куни-1,5; 7-14 кунлари 2 баробар ортгани кузатилди.

Энтеробактериялар вакили булган эшерихийлар униб чиқмади , яьни Эндо озик мухитида «стерил озик мухит» эффекти кузатилди. Шуни таъкидлаш жоизки, стрептококкларнинг меьёри ортган бўлса хам, 1 -гурухдаги беморларнинг крсаткичларидан пастлиги аниқланди. Жумладан, стрептококклар миқдори 1-7–14 -кунларга нисбатан 1,5 марта пастлиги, яьни 7,0±0,3 миқдор 5,0 ±0,2 га; 9,7±0,7 миқдор 6,7±0,4 га; 10,5±0,5 миқдор 7,1±0,3 га қарши кўрсаткичлар аниқланди. Охирги йиллар шундай хулоса ўрнатилдики , унга мувофик одам нормал микробиоценозининг бузилиши у ёки бу касалликни ривожланишида патогенетик механизм сифатида , айрим холатларда асосий омил сифатида кўрилябди. Тадқикот тахлилига асосан, хулоса қилиш мумкинки, 1-гурух беморларда оғиз бўшлиғи микроценозининг бузилиши кузатилди.Бунда сапрофит, шартли –патоген микроорганизмларнинг сифатий ва миқдорий дисбаланси аниқланди. Хаттоки, меьёрда учрамайдиган тилларанг стафилококклар, гемолитик стрептококклар, эшерихийларнинг ўсиши аниқланди.Бундан ташкари ташки кузатув беморларнинг оғиз санацияси бузилганлиги, овқатланиш тартиби бузилганлиги сабабли беморларнинг озиб кетишини кўрсатди.Бу дегани оғиз бўшлиги дисбактериозининг келиб чикиши ичак микрофлорасини бузилишига олиб келиши эхтимолдан холи эмас. Текширув натижалари 2-гурух, титан пластина ўрнатилган беморларда оғиз бўшлиғи микрофлорасини енгил даражада бузилганлигини кўзатилди.Текширилган микроорганизмлардан факат стрептококларнинг микдори меьёрга нисбатан 2 баробар ортгани, лекин 1-гурух беморларга нисбатан 1,5 баробар паст эканлиги аниқланди.Колган микроорганизмлар микдори деярли ўзгармаган.Биринчи гурухга нисбатан 2-гурух беморларида патоген микрофлора,жумладан, патоген стафилококклар, гемолититк стрептококклар, эшерихийлар ўсиб чикмагани кузатилди.

Хулоса қилиш мумкинки, пастки жағ суяги синишини титан мини пластиналар билан даволаш даво самараси микробиологик тахлил нуқтаи назардан жағлараршина билан даволашга нисбатан ижобий натижа беради.

ЛИТЕРАТУРА:

1.BoimuradovSh.A., Bobamuratova D.T. The state of oral hygiene in patients with a fracture of the jaw and ways to improve. Annals of the Tashkent Medical Academy, 2016; 1:69-74.

2. Овчаренко Е.С., Еричев В.В., Аксенова С.В., Мелехов. Иммунологическая и микробиологическая оценка эффективности гигиены полости рта в комплексном лечении

больных с воспалительными заболеваниями пародонта // Журнал Медицинский алфавит-Том 3,№24(2017)

3. Shamsiev R.A., Atakulov J.O., Shamsiev J.A. Accompanying defects of development in children with congenital cleft of lip and palate // EuropaischeFachhochschule, 2016. № 4. С. 20-22.

4. Хасанов А.И., Хакимов А.А., Абубакиров Д.М. Внутриротовой остеосинтез переломов нижней челюсти // Журнал стоматологии – №4, 2019 (77). Стр 31-35.

5. Баймиев А. Х., Швец К.Ю.,Мавзюнов А.Р., Тамарова Э.Р., Булгакова А.И. Количественный анализ микробиоты пародонтальных карманов и слюны методом ПЦР в режиме реального времени до и после лечения пародонтита// Журнал Молекулярная генетика , микробиология и вирусология-Том 35, №3, (2017)

6. Хасанов А.И., Хакимов А.А., Абубакиров Д.М. Современные методы остеосинтеза нижней челюсти // Журнал стоматологии – №1, 2020 (78). Стр 82-84.

WORDLY
KNOWLEDGE